

---

## Фурқат тумани ёшлари ташаббуси билан "Чиркай" маҳалласида "Ёшлар боғи" ташкил этилди

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумида Фурқат туманида 40 турдаги 225 минг дона манзарали ва мевали дарахт, бута кўчати ҳамда қаламчалар экиш белгиланган. Албатта, бу ишларда ёшлар ҳам фаоллигини намойиш этиб, юртимиз яшиллигига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бугун “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ташаббуси билан "Чиркай" маҳалласидаги бўш ётган майдонда "Ёшлар боғи" ташкил этилди.

Туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, туманимиз ёшлари ташаббуси билан “Ёшлар боғи”да бўлиб, ўтган дарахт экиш тадбирида иштирок этди. Тадбирда туман секторлари раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, ёшлар етакчилари қатнашдилар.

Барпо этилаётган ушбу боғнинг дастлабки 70 сотих қисмига 500 тупдан зиёд павлония, 300 туп мевали дарахтлар ўтказилди. Келгусида боғ ҳудуди 1 гектаргача кенгайтирилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида тумандаги барча ҳудудларда яшил боғлар барпо этиш, кузги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ерга қадаш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

2023-11-18 17:46:49